

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 615.281

Султанбаева Наргиза Мухамед Умаровна

**“Дори-Дармон” АК га қарашли дорихоналарда антибактериал дори
воситалари ҳаракатининг таҳлили**

5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш

**Магистрлик академик даражасини олиш учун
ёзилган диссертация**

**Илмий раҳбар:фармацевтика
фанлар номзоди, доцент
Умарова Ш.З**

ТОШКЕНТ – 2018

**MINISTRY OF HEALTH
OF THE REPUBLIC OF THE REPUBLIC UZBEKISTAN
TASHKENT PHARMACEUTICAL INSTITUTE**

Faculty: Pharmacy

Department: Organization of
pharmaceutical business

Academic years: 2016-18

Resident of MA course: N.M.U.

Sultanbayeva

Scientific adviser:

Associate Professor Sh. Z. Umarova

Specialization: Organization of
pharmaceutical business and
management

ABSTRACT OF THE MASTER'S DISSERTATION

Relevance of the topic: In February of 2017, WHO published 12 bacteria species resisting antibiotic treatment. OECD (Organisation for Economic Cooperation and development) in 2015, studied 77783 strains of E.Coli bacterium and revealed that 53.8 per cent of coliform bacterium is resistant to ampicillin, whereas 23.6 percent showed null reaction to trimethoprim, the same was true to 8.2 percent with regard to amoxicillin, 2.1 percent to ciprofloxacin and 1.3 percent to nitrofurantoin. The figures show the rising antibiotic and antimicrobial resistance of the bacteria. Such state of play may show a great threat both to the sick and healthy people. It led to the rise of global fight against the E.Coli bacteria. In a local and regional level, the government of Uzbekistan has created special legal framework to monitor and organize necessary steps to assist this issue.

Purpose and objectives of the work: Identify measures for the rational use of antibiotics and antibacterial drugs through monitoring drug consumption. Ensure the fulfillment of the tasks specified in the Decree No.59 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan:

- Conduct a content analysis of the antibacterial medicines registered in the State Register of Medicines and Medical Devices of the Republic of Uzbekistan
- Analyze marketing of the antibacterial medicines purchased on behalf of JSC "Dori-Darmon" from domestic and foreign manufacturers for the period of 2014-17.
- Study movement of the antibiotic drugs in the stores JSC "Dori - Darmon" for the period of 2014-16.
- Make necessary recommendations and conclusions based on the analysis of the results.

Object and subject of research: The following sources are used for the data collection: Data from the State Register of Medicines and Medical Devices of the Republic of Uzbekistan for the period of 2014-17, Data from Drug Audit, Data on Antibacterial Drugs of "Dori-Darmon" JSC, including specification, invoices and

other information. In addition, data is taken from the “M - Pharmacy plus” program, which is used by “Dori – Darmon” JSC to calculate drugs and medical supplies.

The degree of scientific novelty of research results: Analysis of antibacterial drugs purchased from local and foreign producers for the pharmacies of the JSC "Dori-Darmon", monitor of the antibacterial drugs movement in the stores of the JSC "Dori-Darmon".

Structure and composition of the work: The work consists of 3 chapters, summary, bibliography and annexes. Additionally, there are 30 analytical tables.

Main results of the work performed: One scientific article and four theses have been published based on the performed research.

A shortened generalized expression of conclusion and suggestions: Expand antibacterial drug line of local producers. Measures have been identified for rational use of antibacterial drugs.

Scientific adviser:

associate professor Sh. Umarova

Student:

M.U. N. Sultanbayeva

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

Факультет: Фармация

Магистратура талабаси:

Н. М. У. Султанбаева

Кафедра: Фармацевтика ишени

Илмий раҳбари: доц. Ш.З. Умарова

ташқил қилиш

Ўқув йили: 2016-2018йил

Мутахассислиги: Фармацевтика ишени

Ташқил қилиш ва бошқариш

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги. 2017 йил февралда ЖССТ томонидан одам соғлиғига хавф солувчи антибиотик чидамли 12 хил бактерияларни рўйхатини чоп этган. 2015 йилда OECD (Organisation for Economic Co-operation and development) ташкилоти томонидан E. coli бактериясининг 77 783 штамм ўрганилиб, унинг натижасида ичак таёқчасининг 53,8 % ампициллинга, 23,6 % триметропинга, 8,2% амоксациллинга, 2,1 % ципрофлоксацинга, 1,3 % нитофурантоинга нисбатан чидамлиги ошган.

Бактерияларнинг антибактериал, жумладан антибиотик дори воситаларга нисбатан чидамлилиги (резистентлиги) ошиб бормоқда. Микроорганизмларнинг резистентлиги нафақат касалланган беморга хаттоки атрофдаги соғлом одамларга катта хавф туғдириши мумкин. Шунинг учун ҳам антибактериал дори воситаларга нисбатан чидамликни ошиб кетишига қарши кураш глобал масштабларни эгаллади. Бундан ташқари давлатимиз томонидан ҳам бу мавзу юзасидан бир қатор меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилган ва хужжатларда келтирилган вазифаларнинг бажарилиши назорат қилинмоқда.

Ишининг мақсади ва вазифалари. Антибиотик ва антибактериал дори воситалар истеъмоли мониторинги асосида улардан оқилона фойдаланиш

чора-тадбирларини аниқлаш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №59 сонли баёнида белгиланган вазифаларни талаб даражасида бажарилишини таъминлаш. Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасининг дори воситалар ва тиббиёт буюмлар давлат реестрида рўйхатдан ўтган антибактериал дори воситаларнинг контент-анализини ўтказиш
- “Дори – Дармон” АК томонидан 2014-2017 йилларда маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олинган антибактериал дори воситаларнинг маркетинг таҳлили олиб бориш
- “Дори – Дармон” АК га тегишли дорихоналарда антибактериал дори воситалари 2014-2016 йиллардаги ҳаракатини ўрганиш.
- Олинган натижаларни таҳлил қилиш ва керакли хулосалар ва тавсиялар бериш.

Тадқиқот объекти ва предмети. 2014-2017 йиллардаги Ўзбекистон Республикаси дори воситалар ва тиббиёт буюмлари Давлат Реестлари, Drug Audit маълумотлари, “Дори Дармон” Акциядорлик Компаниясининг антибактериал дори воситаларига тегишли маълумотлар, жумладан спецификация, счё-т- фактура ва бошқа маълумотлар. Бундан ташқари “Дори – дармон” Акциядорлик компаниясининг дори воситалар ва тиббиёт буюларини ҳисобини, олиб борувчи М – аптека плусдан дастуридан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларинг илмий жиҳатидан янгилик даражаси. “Дори-Дармон” АК томонидан маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан сотиб олинган антибактериал дори воситалар ва “Дори-Дармон” АК га қарашли дорихоналарда антибактериал дори воситаларнинг ҳаракатининг таҳлили олиб борилди.

Иш тузилиши ва таркиби. Иш кириш, 3 та боб, хулоса ва адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертацияда 30 та таҳлилий жадваллар келтирилган

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Бажарилган иш бўйича 1 та мақола ва 4 та илмий тезис чоп этилган

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Антибактериал дори воситаларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ассотиментини кенгайтиришга ва аҳоли томонидан антибактериал дори воситаларнинг оқилона фойдаланишга асосланган

Илмий раҳбар _____ **фарм. ф. н., доц Умарова Ш.З**

Магистратура талабаси _____ **Султанбаева Н.М.У**

МУНДАРИЖА

Кириш.....	5
I БОБ.АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	8
1. Антибактериал дори воситаларнинг характеристикаси, классификацияси.....	8
2. Антибактериал дори воситаларининг клиник фармакологияси ва фармакотерапияси.....	14
3. Антибактериал дори воситаларининг таъсир доираси.....	16
4. Антибактериал дори воситаларининг фармакокинетикаси.....	19
5. Антибактериал дори воситаларининг таъсир кўрсатмалари.....	23
6. Маркетинг тадқиқотлари моҳияти, турлари ва уларнинг олиб бориш йўллари.....	25
7. Маркетинг тадқиқотлари квалиметрия усуллариининг моҳияти....	27
8. Дори воситаларнинг ассортиментиини ўрганиш усуллари ва моҳияти.....	32
I БОБ бўйича хулосалар.....	34
II БОБ АНТИБАКТЕРИАЛ ДОРИ ВОСИТАЛАРНИНГ МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ.....	35
1. Антибактериал дори воситаларининг Ўзбекистон Республикасидаги ассотиментининг контент таҳлилини олиб бориш.....	35
2. Антибактериал дори воситаларнинг ассортиментиининг давлатлараро таҳлили.....	35
3. Антибактриал дори воситаларининг ассотиментининг фармакотерапевтик таҳлили.....	40
4. Антибактериал дори воситаларининг ассотиментининг халқаро патентланмаган номи бўйича таҳлили.....	42
5. Антибактериал дори воситаларининг ассортиментиининг дори шакллари бўйича таҳлили.....	45
6. “Дори –Дармон” Акциядорлик компанияси томонидан сотиб олинган антибактериал дори воситаларининг таҳлили.....	47
7. “Дори –Дармон” Акциядорлик компанияси томонидан сотиб олинган антибактериал дори воситаларининг ассотиментининг фармакотерапевтик гуруҳлари бўйича таҳлили.....	52

8. “Дори –Дармон” Акциядорлик компанияси томонидан сотиб олинган антибактериал ҳалқаро патентланмаган номи бўйича таҳлили.....	58
9. “Дори –Дармон” Акциядорлик компанияси томонидан сотиб олинган антибактерил дори воситаларинг ассортиментининг кенглиги, тўлиқлиги ва чуқурлиги	67
10. “Дори – Дармон» АК га қарашли дорихоналардаги антибактериал дори воситаларнинг ҳаракатини ўрганиш.....	70
II БОБ бўйича хулосалар.....	74
III боб АНТИБАКТЕРИАЛ ДОРИ ВОСИТАЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	76
1. Ўзбекистон Республикасида антибактериал дори воситаларга нисбатан резистентлигини ошиб кетишини олдини олиш чора тадбирлари.....	76
2. Импорт ўрнини босувчи маҳаллий антибактериал дори воситаларнинг ишлаб чиқарилишини такомиллаштириш.....	80
III БОБ бўйича хулосалар.....	85
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР.....	86
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	88
ИЛОВЛАР.....	94

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Антибиотиклар ҳақидаги таълимот 1940 йил биринчи марта кристалл кўринишда пенициллин дори воситаси ажратиб олингандан бошланган ва бу кашфиётдан сўнг антибактериал дори воситаларни ажратиб олиш жараёни кучайиб кетган. Антибактериал дори воситаларини синтез даври бошланди. Чунки антибактериал дори воситалари олдинлари ўлимга олиб келадиган касалликларни қарши самарали фойда келтирган. Хозирги кунга келиб антибактериал дори воситаларнинг сони йил сайин ошиб бормоқда. Бунга асосий сабаб сўнги йилларда инфекцион касалликларни этиологияси ўзгарган, антибиотикларни кенг ва бетартиб қўлланилиши туфайли микроорганизмларда антибиотикларга нисбатан резистентлигини ошиб кетишига олиб келади

2017 йил февралда ЖССТ одам соғлиғига хавф солувчи антибиотик чидамли 12 хил бактерияларни рўйхатини чоп этган.

2015 йилда OECD ташкилоти томонидан *E. coli* бактериясининг 77 783 та штам ўрганилиб, унинг натижасида ичак таёқчасининг 53,8 % ампициллинга, 23,6 % триметропинга, 8,2% амоксициллинга, 2,1 % ципрофлоксацинга, 1,3 % нитрофурантоинга нисбатан чидамлиги ошган.

Микроорганизмларнинг резистентлиги нафақат касалланган беморга хаттоки атрофдаги соғлом одамларга катта хавф туғдириши мумкин. Шунинг учун ҳам антибактериал дори воситаларга нисбатан чидамлиликини ошиб кетишига қарши кураш глобал масштабларни эгаллади. Юқорида келтирилган маълумотлар мавзунини долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот объекти ва предмети. 2014-2017 йиллардаги Ўзбекистон Республикаси дори воситалар ва тиббиёт буюмлари давлат реестлари, Drug Audit маълумотлари, “Дори Дармон” Акциядорлик компаниясининг антибактериал дори воситаларига тегишли маълумотлар, жумладан спецификация, счёта-фактура ва бошқа маълумотлар. Бундан ташқари “Дори –

дармон” Акциядорлик компаниясининг дори воситалар ва тиббиёт буюларини хисобини, олиб боровчи М – аптека плус дастуридан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу ишнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида антибиотик ва антибактериал дори воситалар истеъмоли мониторинги асосида улардан оқилона фойдаланиш чоратадбирларини аниқлаш. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 59 – сонли мажлис баёнида берилган вазифаларни талаб даражасида бажарилишини таъминлашдан иборат.

Юқоридаги мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ечиш лозим бўлди.

- Ўзбекистон Республикасининг дори воситалар ва тиббиёт буюмлар давлат реестрида рўйхатдан ўтган антибактериал дори воситаларнинг контент-анализини ўтказиш
- “Дори – Дармон” АК томонидан 2014-2017 йилларда маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олинган антибактериал дори воситаларнинг маркетинг таҳлилини олиб бориш
- “Дори – Дармон” АК томонидан 2014-2017 йилларда маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олинган антибактериал дори воситаларнинг маркетинг таҳлилини олиб бориш

Илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги “Дори – Дармон” Акциядорлик компанияси томонидан сотиб олинган антибактериал дори воситаларини илк бор “Дори – Дармон” АК томонидан Республикамизга олиб кирилаётган антибактериал дори воситаларининг маркетинг тадқиқотлари ўтказилди. Тадқиқотлар натижасида аҳолини антибактериал дори воситаларидан оқилона фойдаланишлари бўйича чора тадбирлар тавсия этилди. Шунингдек маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан антибактериал дори воситалари, дори турлари бўйича таҳлили ўтказилди ва тегишли тавсиялар тайёрланди. Компанияга қарашли дорихоналарда антибактериал дори воситаларни ҳаракатини таҳлил ҳам тадқиқотнинг илмий янгилиги

белгилайди Тадқиқот маркетинг таҳлилларинг янги усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот антибактериал дори воситалардан оқилона ва рационал фойдаланишга бағишланган. Антибактериал дори воситаларга нисбатан чидамлиликини олдини олишга қаратилган. Иккинчи томондан эса аҳолига импорт ўрнини босувчи самарадор, арзон антибактериал дори воситаларни етказиш иборат.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Диссертацияни биринчи бобида антибактериал дори воситаларга тегишли мақолалар шарҳи кетирилди. Маркетинг тадқиқот усулларида моҳияти ва уларни қўллаш услубияти келтирилди. Шунингдек антибактериал дори воситаларининг фармакологияси бўйича ўқув услубий адабиётлардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг қисқача тавсифи. Тадқиқот жараёнида маркетинг тадқиқот усулларида кенг фойдаланилди. Хусусан, маркетинг тадқиқотларида ассортиментнинг контент – анализи ва таҳлилга кирувчи ассортиментнинг кенглиги, тўлиқлиги, чуқурлиги аниқлаш усулларида фойдаланилди. Шунингдек маркетинг тадқиқотларининг квалитетик усулларида фойдаланилди.


Тадқиқот натижаларининг назарий амалий аҳамияти. Ўтказилган маркетинг тадқиқотлари натижалари асосида ишлаб чиқилган тавсиянома маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг импорт ўрнини босувчи антибактериал дори воситаларни ишлаб чиқишига ва аҳолини антибактериал дори воситаларини асоссиз қабул қилишини олдини олишга имкон беради.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация иши 101 бетдан иборат бўлиб компьютер матнида терилган. У кириш, адабиётлар шарҳи, тажриба қисми олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Фойдаланилган адабиётлар 81 манбадан иборат бўлиб, уларнинг асосий қисми 2000 йилдан сўнг чоп этилган. Илмий иш натижасида 4 тезис ва 1 илмий (хорижий) мақола чоп этилган.

I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

1. Антибактериал дори воситаларнинг характеристикаси, классификацияси.

Барча мутахассилик шифокорларнинг амалиётида инфекцион жараёнлар учрайди. Уларнинг қўзғатувчиси бактерия, вирус, замбуруғ, содда ҳайвонлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Инфекцияни йўқотиш учун қўзғатувчини ҳаёт фаолиятини тўхтатиш ёки уни сусайтиришга қаратилган этиотроп даво ўтказиш зарур. Инфекцияга қарши дори воситалар бошқа препаратлардан фарқли томони, айнан қўзғатувчиларга тўғридан – тўғри таъсир кўрсатиб, уларни яшаши ва купайишини тўхтатади.



1.1 – расм Микробларга қарши дори воситаларининг классификацияси

Антимикроб дори воситаларни кимёвий тузилиши ва таъсир механизми ҳар хил бўлишига қарамасдан, маълум умумийликка эга

1. Бошқа дори воситаларга қараганда, антибактериал дори воситалар инсон организмдаги ҳужайраларга таъсир қилмасдан, тўғридан-тўғри микроорганизмга таъсир кўрсатади.
2. Сезувчанликни аниқлаб самарали антибактериал дори воситаларини танлаш мумкин.
3. Вақт ўтган сари микроорганизмларни тузилиши ўзгариши билан бу дори воситаларни таъсирни самаралийлиги пасаяди.
4. Резистентлиги юқори бўлган микроорганизмлар бемор учун ҳам соғлом организми учун ҳам катта хавф туғдиради.

Тадқиқот олиб бориш жараёнида антимикроб дори воситаларига мансуб антибактериал дори воситалари танланди.

Антибактериал кимёвий терапияни ўзига хос хусусиятга бор. Авваламбор, даволаш жараёни самарали кечиши учун қўзғатувчини аниқлаш керак ва у микробни қайси антибактериал дори воситасига сезувчанлигини аниқлаш даркор. Агар қўзғатувчи аниқ бўлса, унга тўғри келадиган антибактериал дори воситаси танланади. Агарда қўзғатувчи аниқ бўлмаса, у ҳолда кенг таъсир доирага эга бўлган антибактериал дори воситалар қўлланилади.

Антибактериал дори воситаларҳақидаги таълимот қолган таълимотларга нистатан ёш ҳисобланади. 1940 йилда биринчи бўлиб кимёвий терапевтик хусусиятга эга кристалл кўринишидаги пенициллин анжратиб олинган ва бунга салкам 80 йил бўлди.

Кўплаб олимларнинг инсон организмнинг турли касалликларини даволовчи, шу билан бирга унга зарар етказмайдиган препаратларни ихтиро қилишни орзу қилишган.

XVI асрда машҳур немис шифокори Парацельс турли хил моддаларни терапевтик таъсини ўрганган ҳолда симоб моддасини маҳов касаллигига

карши қўлламоқчи бўлган. Аммо унинг тадқиқотлари самара бермади. Фақатгина 380 йилдан сўнг иммунология ва кимёвий тереперани асосчиларидан бири немис шифокори, бактериолог биохимик олим Пауль Эрлих (1854-1915) кўплаб тажрибалардан сўнг 1910 йилда симод моддасилан мохов касаллини даволовчи дори воситасини ихтиро қилди ва уни сальварсан деб номлади

XX асрнинг 30 йилларида стрептококк бактериялари чакирадиган оғир касалликларни даволовчи сульфаниламид қатори доривоситаси стрептоцид синтез қилинди.

1944 – йилда эса Додд ва Штильдам томонидан нитрофуранларнинг антибактериал активликка эга эканлиги ҳақида хабар беришди [17].

1970 – йилда эса шифокор ва бактериолог Д. Сандерсен томонидан пенициллинум номли моғор замбуруғи муҳитида бактериялар ривожланмаяпганлиги ҳақида изох берди. Бу эса 1871 - 1972 йилларда Д. Листернинг бир қатор тажриба ўтказишга ундади ва пенициллинум номи моғор замбуруғи бактериялар риводига салбий таъсир кўрсатишни исботлади [17].

1896 йилда эса Б. Гозио *Penicillium bravicompactum* культурасидан сибир яраси касаллини қўзғатувчи бактерияларни ўсишини тўхтатувчи кристалл кўринишдани бирикма - микофелон кислотасини ажратиб олди [17].

1910 – 1913 йилларда О. Блек ва У. Альсберг антимикроб хусусиятга эга бўлган пенициллин кислотасини ажратиб олдилар [17].

1929 йилда эса Флеминг томонидан янги дори воситаси пенициллин ихтиро қилинди ва 1940 йилда унинг кристалл кўринишида ажратиб олди.

Бу ихтиро эса тиббиётда янги таълимот - антибиотик таълимотини очилишига сабаб бўлди. Пенициллин дори воситасини инфекцион касалликлар даволаш хусусияти бошқа кучлироқ антибактериал дори воситасини ихтиро қилишга кучли туртки бўлиб хизмат қилди [17].

Антибиотикларни жадал суръатда ўсишига сабабни нима?

Биринчидан, антибиотик ва антибактериал препаратлар олдинги ва ҳозирги вақтларда давоси йўқ ёки бўлмаса жуда кўп ўлимга олиб келадиган инфекцион касалларга қарши самарали таъсир кўрсатади

Иккинчидан, сўнги йилларда инфекцион касалликларни этиологияси ўзгарган.

Учинчидан, антибиотик ва антибактериал препаратлар нафақат тиббиётда балки фермер хўжалигида ҳам кенг қўлланилади.

Тўртинчидан, антибиотикларни кенг ва бетартиб қўлланилиши туфайли микроорганизмларда антибиотикларга нисбатан резистентлигини ошиб кетишига олиб келади.

Бешинчидан, антибиотик ва антибактериал препаратлар озиқ – саноатида ҳам кенг қўлланилади.

Ҳозирга келиб антибактериал дори воситалардан барча тиббиёт мутахассислари томонидан қўлланилади [14].

Антибиотиклар (антибиотик грекча сўздан олинган бўлиб анти - қарши, биос ҳаёт деган маъноли билдиради) - микроорганизмларга қарши таъсирга эга, келиб чиқиши биологик кимёвий бирикма.

Пенициллин қатори дори воситаларнинг ўзига хос хусусиятларидан бактерицид таъсирга эга, токсиклиги паст, дозалари хилма-хил, нарх жихатдан арзон.

Пенициллин қатори дори воситаларга табиий пенициллинла (бензилпенициллин, бензатин бензилпенициллин), ярим синтетик пенициллинлар (оксациллин, клоксациллин), кенг таъсир доирага эга пенициллинлар (аминопенициллинлар – ампициллин, амоксациллин; уродопенициллинлар – азоциллин, карфециллин, пиперациллин; карбоксипенициллинлар – карбепенициллин, тикарциллин),

комбинацияланган пенициллинлар (ампициллин+оксациллин, ампициллин+сульбактам, амоксациллин + клавулан кислота, тикарциллин + клавулан кислота).

Цефалоспоринлар бугунги кунда тиббиёт амалиётида энг кучли бактерицид таъсирга эга бўлган антибиотиклардан бири ҳисбланади. Аминогликозидлар синергизм хусусиятига эга. Асосан цефалоспоринлар авлодларга бўлинади. Ҳар бир авлод вакилларда ҳам парентерал, ҳам оғиз орқали қабул қилинадиган дори воситалар мавжуд.

Цефалоспоринлар юбориш йўллари бўйича иккига бўлинади: парентерал, оғиз орқали. Цефалоспоринларнинг 4 та авлоди мавжуд. I авлод цефалоспоринларга, цефалотин, цефазолин, цефалексим, цефадроксилар киради. II авлод цефалоспоринларга, цефуроским, цефамандол, цефаклор, цефуроским. III авлод цефалоспоринларга, цефатоксим, цефтриаксон, цефтазибим, цефоперазон, цефоперазон + сульбактам, цефиксим, цефтибутен [15]

Карбапенемлар кенг таъсир доирага эга антибактериал дори воситалари ҳисобланади. Улар цефалоспоринларга чидамли бактерияларга ҳам таъсир қилади. Карбапенем қатори дори воситаларга меропенем, имипенем, эртапенемлар ва имипенемнинг комбинацияланган препаратлари киради [13].

Аминогликозидлар кенг таъсирга эга бўлган антибактериал дори воситалар. Улар асосан бактерицид таъсирга эга. Ҳозирда уларнинг 3 та авлоди мавжуд. I авлодаминогликозидларга стрептомицин, канамицин, неомицин дори воситалари, II авлодаминогликозидларга гентамицин, тобрамицин, сизомицин, нетимилмицин дори воситалари, III авлод амикацин дори воситаси киради [13].

Тетрациклин қатори дори воситалар ноҳўя таъсири кўп, гуруҳларнинг барча препаратларига қарама – қарши чидамлилиқ эга ҳисобланади. Лекин шунга қарамасдан кенг таъсир доирага эга. Тетрациклин қатори дори

воситалар асосан бактериостатик таъсирга эга. Уларга тетрациклин, окситетрациклин, доксициклин, метациклин, моноциклин дори воситалар киради [30].

Макролидлар макциклик лактонли халқа иборат кимёвий тузилишга эга. Халқадаги углеродлар сонига кўра макролидлар 14 бўғинли (эритромицин, олеандомицин, рокситромицин, кларитромицин), 15 бўғинли (азитромицин), 16 бўғинли (спиромицин, мидекамицин, джозамицин), макролидларга бўлинади.

Макролидлар асосан бактериостатик таъсирга эга аммо катта концентрацияда эса бактерицид таъсирга эга.

Линкозаминларга уларнинг табиий антибиотикларига линкозамин ва унинг синтетик аналоглари эса клинмицин ҳисобланади. Таъсир механизми бўйича макролидлар каби бактериостатик таъсирга эга. Юқори концентрацияда эса бактерицид таъсир кўрсатади.

Гликопептидлар граммусбат кокклар чақирган бошқа антибактериал дори воситаларга чидамли бактерияларга бактериостатик таъсир қилади. Буларга ванкомицин ва тейкопламин киради.

Хлорамфеникол (левомецетин) бактериостатик таъсирга эга. Ҳозирда бу қатори препаратларга нисбатан бактерияларда резистентликни ошиб кетганлиги сабабли унинг қўлланилиши чегараланган [15].

Сульфаниламид қатори дори воситалар сульфанил кислота қатори дори воситалар ҳар хил таъсир механизмга эга. Уларнинг классификацияси ярим чиқариш даврига боғлиқ ҳолда бўлинади. Қисқа таъсирга эга препаратлар (стрептоцид, норсульфазол, этазол, сульфадимезин, фталазол, сульгин ва б) асосан кунига 4 марта буюрилади. Ўртача таъсир давомийликка эга сульфаниламидар (сульфадиметоксазол, сульфопиридазин) кунига 2 марта буюрилади. Узоқ таъсирга эга сульфаниламидлар (сульфодиметоксин,

сульфамометоксин) суткасига 1 марта буюрилади. Ўта узок таъсирга эга препаратлар (сульфален, сульфадокси) бирнеча кунда 1 марта бўйурилади.

Хинолон ва фторхинолонлар синтетик антибактериал препаратлар бўлиб 4 авлоддан иборат, 2, 3 ва 4 авлоди фторланган унумлар бўлгани учун фторхинолон деб номланади. I авлод хинолонларга налидикс кислота, оксалин кислота, пипепид кислота. II авлодга норфлоксацин, ломефлоксацин, офлоксацин, пефлоксацин, ципрофлоксацин каби дори воситалар киради. III авлодга левофлоксацин, спарфлоксацин, гатифлоксацин, моксифлоксацин дори воситалар киради. IV авлод фторхинолонларга тровафлоксацин дори воситалари киради.

Нитрофуран дори воситалари асосан сийдик чиқариш йўллари ва ичак инфекциялари касалликларида антибактериал таъсир кўрсатади. Уларга фуразидин, нитрофурал, нитрофурантоин, нифуроксазид, фуразолидон каби дори воситалар киради [11].

2. Антибактериал дори воситаларининг клиник фармакологияси ва фармакотерапияси

Антибактериал моддаларнинг сони жуда кўп бўлишига қарамасдан, инфекцион табиатдаги касалликларни даволаш оғир масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бу нарса охирги ўн йилларда кузатилаётган қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқ:

1. Бактериал флоранинг чидамлиги жуда ортиб кетган.
2. Сурункали қайталанувчи касалликлар билан оғриган кекса ёшли беморлар сони ортиб кетди.
3. Турли иммун етишмовчилиги ҳолатидаги, ҳатто патоген бўлмаган флорага ҳам сезгир бўлган беморлар сони ортиб кетган.
4. Нотипик флора чақирган ва жойлашган инфекцияларни пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келувчи тиббий муолажалар сонининг ортиб кетиши.

Антибактериал дори воситаларни рационал фармакотерапиясининг таъминоти:

1. Антибактериал дори воситаларини буюришга кўрсатма бўлиб микроб флораси таъсирида юзага келадиган касалликлар ҳисобланади. Антибактериал дори воситаларни танлаш касалликни чақирган қўзғатувчи хусусиятлари аниқ билган ва унинг қайси антибактериал препаратга нисбатан чидамлигини эътиборга олинади.

2. Чидамлилик ривожланиш мумкинлигини эътиборга олган ҳолда даволашдан олдин антибиотикограмма текшируви ўтказилади.

3. Агар касалликнинг белгилари аниқ бир қўзғатувчи учун хос бўлса ва унга нисбатан резистентлик ривожланмаган бўлса, у ҳолда даволашни, микроорганизмга нисбатан сезгирликни аниқламасдан ҳам антибактериал дори воситасини буюрса бўлади.

4. Агарда экмада стафилококк, ичак таёқчаси, клебсиелла, энтерококк, протей, кўк йиринг таёқчаси, сил микобактерияси чиқса, у ҳолда уларни микробга қарши сезгирлигини аниқлаш керак.

5. Агарда касаллик қўзғатувчисини ажратиб чиқариш ёки уни антибиотикка нисбатан сезгирлигини аниқлаш шароити бўлмаса, кенг таъсир доирали препаратлар билан даволаш бошланади.

6. Танлаш шароити бўлса, энг самарали ва хавфсиз препаратни танлаш мақсадга мувофиқ [28].

Антибактериал препаратларнинг фармакодинамикаси ва фармакокинетикаси ўзига хос хусусиятлари. Микробиологияда энг кичик ингибирланган концентрация тушунчаси мавжуд. Унинг маъноси бактерияларнинг ўсиш ва кўпайишини тўхтатувчи антибактериал дори воситасининг энинг кичик концентрациясини билдиради. Шу Концентрация қанчалик кичик бўлса антибактриал дори воситаси шунчалик кучли таъсир қилади.

Антибактериал дори воситаларинг самарасини 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Дори воситасининг самараси унинг дозасига боғлиқ.
2. Дори воситасининг самараси дорининг таъсир қилиш давомийлигига боғлиқ
3. Дори воситасининг самарасининг унинг дозасига ҳам, таъсир қилиш давомийлигига ҳам боғлиқ.

Бундан ташқари антибактериал дори воситасининг самараси унинг гистогематик тўсиқдан ўтиш, унинг тўқима ва хужайра кириш бориши шу билан бир қаторда инфекция ўчоғида юзага келадиган кислотали шароитда парчаланиб кетмаслик қобиляти ҳам ҳисобга олинади [25].

3. Антибактериал дори воситаларнинг таъсир доираси

β -лактамларга киувчи антибактериал дори воситаларга пенициллинлар, цефалоспориинлар ва карбопенемлар киради. Уларни бир бири билан β -лактамли структура боғлаб туради. Шунинг учун ҳам уларнинг таъсир механизми бир бирига ўхшаш бўлади.

β -лактамларнинг таъсир қилиш механизми асосан бактерияларнинг хужайра деворини бузишданиборат . Бу эса бактерия ферменти фаолиятига салбий таъсир қилиб, унинг функциясини бузади. Бу эса бактериянинг нобуд бўлишига олиб келади. Шундай қилиб пенициллинлар бактерицид таъсирга эга.

β -лактамларга нисбатан резистентлик асосан қуйидаги механизмлар асосида ривожланиши мумкин

Биринчи механизмда – бактерияларнинг кўпчилигида β -лактамаз ҳалқасини бузувчи модда β -лактамаз моддаси ишлаб чиқарила бошлаши мумкин.

β -лактамаз дори воситаларининг орасида β -лактамазга чидамли карбапенемлар ҳисобланади [29].

Иккинчи механизмда – асосан бактерия қобиғининг ўзгариши ҳисобига бориши мумкин.

Учинчи механизмда – яна қўшимча оксил боғлам ҳосил қилиши. Бунда ҳам антибактериал дори воситаси таъсир қилганда бактерия қобиғи бузилмайди.

Тўртинчи механизмда эса β -лактам ҳалқасининг ўтказувчанлик хусусиятини камаяши билан боғлиқ.

I авлод цефалоспоринлар тор таъсир доирага эга

II авлод цефалоспоринлар асосан граманфий микроорганизмларга нисбатан активликка эга. Ичак инфекцияларида ҳам фаооликка эга бўлса ҳам қўлланилмайди.

III авлод цефалоспоринлар грамманфий микроорганизмларга I - II авлод цефалоспоринларга нисбатан кучлироқ активликка эга. Шу билан бир қаторда пневмакоккларга қарши кучли активликка эга.

Лекин III авлод цефалоспоринлар энтеробактериялар оиласига таъсир қилмайди. Чунги уларда бу авлодга нисбатан резистентлик ривожланган.

III авлод цефалоспоринлардан 2 препарат кўк йиринг таёқчасига нисбатан активликка эга. Булар цефалперазон ва цефтазидим.

IV авлод цефалоспоринлар III авлод цефалоспоринлар нисбатан энтеробактер, цитобактер, серрацияларга антиклиги кучлироқ

Барча β -лактамаз дори воситалари орасида энг кенг таъсир доирага эга, β -лактамаз таъсирига чидамли ва резистентлик кам ривожланадиган гуруҳлар бу карбопенемлардир.

I авлод аминогликозидлар сил микобактериясига нисбатан фаол. Стрептомицин ўлат, туляремия қора оқсоқ кўзғатувчиларига нисбатан фоалликка эга.

II -III авлод аминогликозидлар энтеробактер оиласининг грамманфий микроорганизмларига нисбатан дозага боғлиқ бактерицид таъсирга эга.

Тетрациклинлан кенг таъсир доирага эга антибактериал дори воситаси ҳисобланади. Бу препаратлар грамусбат ва грамманфий кокклар, листериялар, куйдирги кўзғатувчиси, иерсиния, хламидий каби микроорганизмларга нисбатан фаол. Аммо бугунги кунда пневмакокк,

стрептококк, ва кўпгина стафилококklar тетрациклинларга нисбатан резистентлиги юқори даражада ривожланган. Гемолитик стрептококklar, 50 % га тетрациклинга чидамли. Энтерококklar эса 70 % га чидамли.

Макролидлар асосан граммулбат кокklarга нисбатан фаолликка эга Кўк йўтал кўзғатувчиси, дифтерия таёкчаси, листерия, моракселла катаралис гемофилия таёкчасига таъсир кўрсатади.

Макролид хужайра ичи кўзғатувчиларга нисбатан фаол. Булар легионелла, хламидий, микроплазма, уреоплазмалардир.

Кларитромицин асосан хеликобактерга фаол таъсир қилади. Лекин шунга қарамасдан ҳам макролидларга нисбатан ҳам резистентлик ривожланиши мумкин. Унинг меҳанизми рибосомалардаги нишонни модификацияланиши йўли билан ёки бўлмаса микроб хужайрасидан фаол чиқарилиб юборилишидан иборат.

Линкозамидлар граммулбат кўпчилик қисмига фаол таъсир қилади. Клиндамицин кўпроқ оддий микроорганизмларга нисбатан фаол ҳисобланади. Линкозаминлар стафилококк, стрептококklar чақирган инфекцияларда заҳира препарат ҳисобланади.

Кўп микроорганизмларга фолат кислотани синтезланиши учун параамнобензой кислота бўлиши керак. Фолат кислота хужайраси нуклеин кислотани ҳосил қилиш учун қўлланилади. Сульфаниламидлар тузилиши бўйича бир бирига ўхшаш бўлади. Парааминобензой кислотага рақобатбардош ҳисобланади. Сульфаниламидларнинг микробга қарши таъсир меҳанизми микроб хужайрасининг парааминобензой кислотанинг рецепторлари учун рақобатланиш хусусиятига боғлиқ. Сульфаниламидлар кенг таъсир доирага эга антибактериал дори воситаси ҳисобланади. Улар асосан микроб хужайрасининг парааминобензой кислотасини бузади, шу билан инсон организмнинг хужайрасини парчаламайди. Чунги уларда фолат кислотаси синтези содир бўлмайди. Одам организмга фолат кислота фақат овфат орқоли тушади. Кўп микроорганизмлар фолат кислотани атроф – муҳитга

утилизация қилмайди. Шунинг учун ҳам сульфаниламидлар қатор инфекцияларга таъсир қилади [29].

Фторхинолонларга грамманфий бактерияларга таъсир қилади. Уларга ичак таёқчаси, шигелла, салмонелла протей, клебсиеллалар киради.

Иккинчи авлод хинолонларга кўпгина страфилококклар, энтерококклар, хламидий, микоплазма ва анаэробларнинг сезгирлиги паст.

Учинчи авлод хинолонларибарча нотипик кўзғатувчиларга нисбатан фаоллиги юқори.

Тўртинчи авлод хинолонлари пневмококкко қарши фаоллиги қолган авлодларга нисбатан фаолроқ.

Нитрофуранлар граммусбат (стрептококк, энтерококк ва стафилококкларнинг баъзи штамлари) ва грамманфий кўзғатувчилар (ичак таёқчаси, шингелла, сальмонелла кабиларга), протейнинг баъзи бир штамлари, клебсиелла, энтеробактерга нисбатан фаол.

4. Антибактериал дори воситаларинг фармакокинетикаси.

Пенициллинларнинг фармакокинетик хусусиятлари қуйидагилар:

1. Яллиғланиш жойида фаоллигини сақлаб қолади.
2. Яллиғланиш жараёни бўлмаганда моноцитларга кирмайди ва гематоэнцефалитик барьердан ўтмайди.

Хомиладорлик даврида хавфсиз.

Бензилпенициллин карбокси ва уроидопенициллинлар меъдани кислоталик муҳитида парчаланиб кетади. Шунинг учун ҳам улар парентерал йўл билан юборилади. Менингит касаллигида эса эндолүмбал қўлланилади. Фенокси ва метилпенициллинларни эса ичга қабул қилишга буюриш мумкин. Ошқозон ичакда системасида энг яхши сўриладиган препарат амоксациллин ҳисобланади. Амоксациллин ошқозон ичакда 75-95 % и сўрилади. Феноксипенициллиннинг 40-60% ошқозон ичак системасида сўрилади. Бензилпенициллинни новокаинли тузи ва бензатин бензилпенициллин мушак орасига юборилади. Улар секин сўрилади. Бензилпенициллин 24 соат, бензатин бензилпенициллин 3-4 ҳафта таъсир кучини сақлаб

туради. Бензилпенициллин плазмадаги оксиллар билан 35 – 60% гача боғланади. Пенициллин жуда кўп органларга тарқалади. Асосий концентрация ўпкада, бўйракда, ичак шиллиқ қаватида, кўпайиш органларида, суякларда, плевра бўшлиқларида йиғилади. Ўт кислотасида уреидопенициллин юқори концентрацияда тўпланади. Уреидопенициллинлар плацентага ва кўкрак сутига ўтади. Гематоэнцефалитик ва гематоофтальмик тўсиқдан ёмон ўтади.

Жигарда оксациллиннинг 45% ва уреидопенициллинни 30 % биотрансформация учрайди. Қолган пенициллинлар ўзгаришсиз организмдан чиқиб кетади.

Пенициллинларнинг асосийлари бўйрак орқали чиқиб кетади. Унинг ярим чиқариш даври ўртача 1 соатни ташкил қилади. Оксациллин ва уреидопенициллин асосан 2 хил йўл билан организмдан чиқиб кетади. Биттаси бўйрак орқали иккинчи ўт чиқариш йўли орқали чиқиб кетади.

Цефалоспоринлар фармакокинетикаси уларнинг юбориш йўлларига қараб фарқланади.

Перорал юбориладин цефалоспоринлар яхши ва тез сўрилади. Уларнинг биосингувчанлиги юқори бўлади. Цефексим биосингувчанлик 40-50 %ни ташкил қилса, цефалексим, цефаклорда 95 %ни ташкил қилади. Овқат уларнинг сўрилишини пасайтирса ҳам, биосингувчанлигига таъсир қилмайди. Цефуроским аксетилда эса аксинча, чунки бу дори воситаси продори бўлиб, меъда ичак йўлида метоболизмга учрайди ва фаол цефуроским ажратиб чиқаради. Бунда овқат препаратни ажратиб чиқаришга кўмаклашади.

Цефалоспоринлар кўп орган, тўқима ва ажралмаларга тарқалади. Йўлдошдан ўтади. Цефатаксим, цефтриаксон, цефтазидим ва цефепим гематожнцефалитик тўсиқдан ўтади. Менингит касаллигини даволашда танлов препарат ҳисобланади. Цефалоспоринлар қатори дори воситаларнинг кўпи жигарда метоболизмга учрайди. Цефуроским бундан мустасно.

Кўпгина цефалоспоринларнинг ярим чиқариш даври қисқалиги туфайли 3-4 марта буюрилади. Цефексим ва цефтибутен ярим чиқариш даври 3-4 соат

бўлгани учун кунига 1 марта буюрилади. Цефтриаксон эса 5-7 соат бўлгани учун 2 марта буюрилади.

Цефалоспоринлар кўпчилиги буйраклар орқали ўзгармаган ҳолда чиқиб кетади.

Карбопенемлар ичилганда сўрилайди. Шунинг учун ҳам парентерал йўл билан юборилади. Парентерал йўл билан юборилганда организм тўқима ва суюқлиги юқори концентрацияда тарқалади, орқа мия суюлигига сингиб ўтади. Ярим чиқариш даври 1 соатга тенг. Организмдан гломеруляр фильтрация йўли билан чиқиб кетади.

Аминогликозидлар меда ичак йўлида деярли сўрилмайди, чунки ошқозоннинг кислотали шароити чидамиз. Гурухдан фақат 1 та дори воситаси перорал буюрилади (неомицин). Асосан мушак орасига юборилганда тез ва осон сўрилади. Қондаги концентрацияси 0.5-1.5 с да юқори даражага етади. Вена орқали юборилганда 30 мин юқори концентрацияда бўлади.

Аминогликазидлар метоболизмга учрамайди, ва сийдикда юқори концентрацияга эга бўлиб, ўзгармаган ҳолда чиқиб кетади. Канамицин қисман ўт орқали қисман чиқиши мумкин.

Аминогликазидларнинг ярим чиқариш даври 2-4 соатни ташкил қилади. Чақалоқларда 5 – 8 соат, болаларда 2.5-4 соатни ташкил қилади.

Тетрациклин ва окситетрациклин перорал қабул қилинганда 70-80% сўрилади. Овқат тетрациклин қатори дори воситаларининг овқат таъсирида секинлашади. Шу сабабли ҳам тетрациклинлар овқатдан 2-3 соат олдин қабул қилинади. Доксициклин деярли тўлиқ сўрилади, унинг биосингувчанлиги 90-95% ташкил этади. Овқат доксициклиннинг сўрилишига таъсир қилмайди. 1-3 соатда максимал концентрацияга етади ва 12-24 соат сақланиб қолади.

Тетрациклинлардан доксициклин жигарда тетрациклин ва оксициклинга нисбатан кўпроқ жигарда метоболизмга учрайди. Тетрациклинлар асосан буйрак ва ахлат билан чиқарилади.

Макролидлар меъда ичак системасида сўрилиши дори воситасининг турига, унинг чиқарилишига ва овқат қабул қилинишига боғлиқ. Овқат эритромициннинг биосингувчанлигини камайтиради, азитромициннинг сўрилиш тезлигини камайтиради, кларитромицин ва спиромициннинг биосингувчанлигига таъсир қилмайди. Оксиллар била кам боғланади.

Макролидлар жигарда метаболизмга учрайди. Метаболизм жараёнида фаол ва фаол бўлмаган метаболитлар ҳосил қилади.

Макролидлар орган ва тўқиларга яхши тарқалади, шунинг учун уларнинг қон зардобидаги юқори концентрацияси тўқималардагига нисбатан паст бўлади. Макролидлар бодомча беши, бурун бўшлиғи ортиқлари, ўпка, простата бешида ва ҳ яхши тарқалади. Хужайра ичига яхши сингади ва у ерда юқори концентрацияга эга бўлади. Макролидлар йўлдошдан осон ўтади ва сут безлари орқали ажралади.

Макролидларнинг метаболитлари асосан ўи орқали ажралади. 5-10% буйракдан ажралади. Ярим чиқариш даври 1.5 соатдан 65 соатгача.

Линкозамидлар меъда ичак йўлларида ёмон сўрилади. Овқаридан сўнг эса унинг биосингувчанлиги 50 %ни ташкил қилади. Клиндамициннинг биосингувчанлиги 90% га тенг. Линкозамидлар балғам, ўт, плевра суюқлиги, суякларда юқори концентрация ҳосил қилади. Жигарда метаболизмга учрайди. Асосан меъда ичак йўллар орқали чиқиб кетади. Ярим чиқариш даври 4-6 соат, клиндамицинда 2.5- 3 ташкил қилади.

Хлорамфениколлар қабул қилинганда меъда ичак йўлида яхши сўрилади. Уларнинг биосингувчанлиги 70 – 80%ни ташкил қилади. Овқат таъсирида уларнинг биосингувчанлигига ва сўрилишига таъсир қилмайди. Хлорамфениколлар орган ва тўқималарга яхши тарқалади. Жигарда метаболизмга учрайди. Буйрак орқали чиқарилади.

Сульфаниламидлар асосан ичишга буюрилади. Бундан ташқари сульфаниламидларнинг мазъ ва кўз томчилари мавжуд. Сульфаниламидлар қабул қилинганда ингичка ичакда сўрилади. Сўрилиш тезлиги ва тўлиқлиги препаратнинг липофиллигига боғлиқ. Сульфаниламидлар қон плазмадаги оксиллари билан сўрилиш даражаси препаратнинг турларига боғлиқ.

Сульфаниламидлар тўқималарга яхши сингийди. Метаболизмга жигарда ва бир қисми меъда, ичак, буйракда учрайди. Буйрак орқали чиқарилади. Дори воситаларнинг метоболизмга учрамаган қисмлари организмдан буйракдан чиқарилади.

Барча фторхинолонлар перорал қабул қилинганда яхши сўрилади. Биосингувчанлиги 90% га етади. Препарат сўрилгандан сўнг қонда юқори концентрацияга етади. Тўқима ҳужайраларга яхши сингади. Фторхинолонлар асосан буйрак орқари чиқарилади ва қисман ўт орқали чиқарилади. Фторхинолон ярим чиқариш даври узок бўлгани учун кунига 1-2 марта буюрилади.

Нитрофуранлар меъда ичак йўлларида ҳамма препаратларида ҳар хил. Бу эса унинг биосингувчанлигига таъсир қилади. 90-95% ли биосингувчанлик нитрофурантоин ва фуразидинга хос. Ўртачаси фуразолидонда энг ками нифураксазидга хос. Препаратларнинг ярим чиқариш даври 1 соатга тенг. Нитрофуранлар ичак ва жигар деворларида фаол амид ҳосил қилиб метаболизмга учрайди. Нитрофуранлар ва уларнинг метаболитлари асосан буйрак орқали чиқарилади.

5. Антибактериал дори воситаларнинг таъсир кўрсатмалари.

Пеницилинлар асосан қизилча, сарамас, ревматизм профилактикасида, ўпка яллиғланишида, эндокардит, захм, лептоспироз, борелиоз касалликларида, аминопенициллинлар асосан юқори нафас йўллари касалликларида, сийдик чиқариш инфекциларда (цистит, пиелонефрит), ичак

инфекцияларда (салманеллез), тери юмшоқ тўқималар инфекцияларида қўлланилади.

Цефалоспоринларнинг биричи авлоди стрептококк ва метициллингга сезги стафилококклари чақирган инекцияларда қўлланилади. Иккинчи авлод цефалоспоринлар асосан юқори ва паст нафас йўллари, сийдиқ чиқариш йўллари инфекциларда самарили таъсир кўрсатади. Учинчи авлод цефалоспоринлар пневмония, ўпка абцесси, плевра эмпиемаси, пиелонефрит, тери юмшоқ тўқималар инфекциясида қўлланилади. Тўртинчи авлод цефалоспоринлар оғир инфекцион касалликларда қўлланилади

Карбапенемлар ҳаёт учун оғир хавф туғдирадиган инфекцила, нозокомиал инфекциялар, юмшоқ тўқима, суяк, нафас йўллари ,қорин бўшлиғи ва кичик тос органлари инфекцион касалликларида қўлланилади. Янги туғилган ақалокларда интенсив даволаш ўтказиш.

Аминогликозидлар сил касаллиги ва грамманфий кўзғатувчилар чақирган нонокомиал инфекциялар.

Тетрациклинлар Юқори нафас йўллари инфекцияларда жумладан синусит, сурункали бронхит. Ородентал инфекциялар, иерсиниоз, захм, риккетсиозлар ўлат касаллигида қўлланилади

Макролидлар юқори ва паст нафас йўллари инфекцияларда, жинсий йўл инфекцияларда (хламидиоз, уреоплазмоз) , токсоплазмоз (спирамицин), ородентал инфекциаларда қўлланилади. Профилактика мақсадида эса кўк йўтал, менингококкли мменингит, ревматизм, безгак касалликларида қўлланилади.

Линкозаминлар граммусбат кокклар чақирган инфекциялар, суяк, бўғим, тери, юмшоқ тўқима, қорин бўшлиғи, тос органлари инфекциялар, некрозли фагицит касалликларида қўлланилади.

Хлорамфениколлар асосан бактериал менингит, мия абцесси, Қорин тифи, сальманеллез, риккетсиоз, газли гангрена касалликларида қўлланилади.

Сульфаниламидлар пневмонияни даволашда, сийдик чиқариш йўлларида инфекцияларидан сурункали цистит авж олиш даври, пиелонефрит касалликларида, токсоплазмоз ярали колит касалликларида қўлланилади.

Фторхинолонлар пастки нафас йўллари касалликларида, ўт чиқариш йўллари касалликларида, простатит касалликларида, сальманеллез касалликларида, гонорейда сил касаллигида қўлланилади.

Нитрофуранлар циститда, лямблиозда ичак инфекцияларид, яраларини, оғиз халқумларни ювиш учун қўлланилади.

6. Маркетинг тадқиқотлари моҳияти, турлари ва уларнинг олиб бориш йўллари

Маркетинг тадқиқотларнинг тушунчаси Халқаро Савдо Палатаси ва Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича Европа жамиятининг аъзолари томонидан қабул қилинган [44].

Маркетинг тадқиқотлари – бу алоҳида шахслар ва ташкилотларнинг, уларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳар кунлик фаолияти борасидаги ўзини тутиши, эҳтиёжлари, муносабатлари, мулоҳазалари, асосланишларига тааллуқли бўлган маълумотларни мунтазам тўплаш ва объектив қайд этиш, таснифлаш, таҳлил қилиш ва тақдим этишдир [42].

Маркетинг тадқиқотларининг объектлари:

- Бозор субъектлари
- Бозор объектлари
- Жараёнлар
- Технологиялар
- Атроф муҳит

Маркетинг тадқиқотлари асосий йўналишлари:

- Бозорларни тадқиқот қилиш. Масалан халқаро, миллий, ва минтакавий, бозорлар
- Товарни тадқиқот қилиш. Бунда унинг ҳаётий даврини, нарх – сифат нисбатини таҳлил қилиш ва б
- Талабни шакллантириш ва сотувни рағбатлантириш
- Харидорлар ва истеъмолчиларини ўрганиш

Маркетинг тадқиқотлари қуйидаги босқичлардан иборат.

- Турли усуллардан фойдаланган ҳолда муаммони аниқлаш ва ўз олдига вазифа қўйиш. Бу босқичда асосан маркетинг тадқиқотларнинг имкониятлари, унинг сарф харажатлари ва маркетинг тадқиқоти натижаларини тақдим этиш муддати белгиланади
